Олмазор учун ажратилаётган майдон экиладиган кўчатларни узок йиллар давомида кулай ўсиши, гуллаб мева бериши ҳамда келгусида боғни кенгайтириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда танланиши лозим⁸.

Лалмикор ерларда ёш олмазорлар йиллик ёғин миқдори 800 мм дан кам бўлмаган шимолий ва шимоли-ғарбий ёнбағирликларда ташкил этилиши мақсадга



мувофиқдир. Қиялиги ўткир бўлган

Расм 12. Қиялиги ўткир бўлган ёнбағирликлардаги террасалар.

ёнбағирликларда боғ барпо этиш зарурияти туғилганда обдови тескари олинган махсус террасалар ёки зинапояли террасалар қилинади¹³ (Расм 12).

Суғориладиган майдонларда тупроқнинг механик таркиби дағал бўлган, шўрлашган грунт сувлари ер юзасига икки метрдан яқинроқда жойлашган ёки суғориш учун нокулай бўлган жойлар олмазорлар барпо этиш учун яроқсиз ҳисобланади¹⁴.

Шўрланган ерлар дастлабки агротехник тадбирлар ўтказилганидан кейин, яъни тупроқ шўри бир неча бор ювилиб ва дренаж тармоқларини ташкил этилганидан кейингина ишлатилиши мумкин²².

Бунда грунт сувларини даражасини бирмунча пастга туширишга эришилади ва ер боғ учун яроқли ҳолатга келади¹⁹.

3.2. Экиш муддатлари

Олма кўчатларини кузда ва баҳорда экилади. Кузда экиш ишлари хазонрезгилик давридан сўнг то тургун совуқлар бошланишигача олиб борилади. Баҳорда кўчатларни экиш февралнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўсимликда шира ҳаракатини бошланишигача олиб борилиши мумкин¹⁴.

Лалмикор ерларда кўчат экиш ишларини фақат кузда бажариш тавсия этилади. Бунда асосан икки ёшли ниҳоллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, улар шу ҳудуд тупроқ-иқлим шароитларида, суғорилмаган жойларда етиштирилган бўлиши лозим. Бу шарт ёш

кўчатларни боғ барпо этилаётган баландлик минтақасининг шароитларига тез мосланишига ёрдам беради, улар нисбатан курғоқчиликка ва совуқка чидамли бўлиб, ўсиш ва ривожланишнинг энг яхши кўрсаткичларини намоён этади.

3.3. Тупроқни экиш ишларига тайёрлаш

Бўз тупроқли майдонларда ерни чуқур ҳайдаш йўли билан тайёргарлик ишлари олиб борилади. Бунда тупроқни 50-60 см чуқурликда ағдарилишига катта эътибор берилиши лозим. Бу агротехник тадбирни амалга ошириш учун ППН-50 плантажли плугидан фойдаланиш тавсия этилади. Тупроқни ҳайдашдан олдин эса 30-40 т органик (гўнг) ва 120-150 кг/га минерал (фосфор) ўғитлари берилиши керак бўлади. Плантажни йил давомида бажарилиши мумкин. Бироқ уни экишдан 1.5-2 ой аввал тўхтатилади. Бу тупроқни бироз чўкишига ва ерни текислаш осонлашиши учун зарур бўлади¹².

Боғ барпо этишда плантаж ишлатилмаганида ерни баҳорги 30-35 см чуқурликда ҳайдаш тавсия этилади. Об-ҳаво шароитлари имкон бериши билан дархол гардишлаш (дискование) ва бороналаш ишларини олиб бориш керак.

Шартли суғориладаган ва лалмикор ерларда тупроқни плантажли ҳайдаш ишлари албатта бажарилиши лозим

Тоғ ёнбағирликларида тупроқни ювилиб кетишини камайтириш учун ерни кўндалангига ҳайдаш керак.

5-9° ли ёнбағирликларда жойнинг рельеф хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ариқ зовурли террасалар қилинади. Қиялик бўйлаб ётган йўллар синиқ чизик тарзида бўлиши фойдали ҳисобланади.

Қиялик 10° дан ортиқ бўлган ёнбағирликларда террасалар қилинади. Улар горизонтал чизиклар бўйлаб жойлаштирилади ва махсус террасачилар томонидан ёки ер ўлчашда ишлатиладиган асбоб-анжомлардан фойдаланилгани ҳолда амалга оширилади¹³.

17° гача бўлган қияликларда террасалар қилишда плантажли плуг билан ерни бир томонлама ҳайдаш ва сўнгра грейдер билан шакл бериш орқали амалга оширилиши мумкин.

13-18° га эга бўлган қияликларда тупроқни кенг қўлланиладиган П-5-35 плугини ишлатиш йўли билан террасалар қилиш мумкин. Қиялик 18° дан ортиқ бўлган ёнбағирликларда кенглиги 4 м бўлган Т-3 террасери ишлатилади.

Олма боғлари учун тупрокни тасма тарзида тайёрланганда кўчатларни тасманинг ўрта қисмига экиш тавсия қилинади. Террасаларда эса дарахтларни қияликнинг четидан 1 м масофада ўтказилади. Тасмалар орасидаги масофа камида 3-4 м, террасалар ораси эса ёнбағирлик қиялигини ҳисобга олган ҳолда 2,5-5 м бўлиши керак.

Сувни тупроққа яхши сингиши учун ерни тасмали майдонларда ёки террасаларда кузда 60 см чуқурликда қайта ҳайдаш тавсия этилади.


Механизациянинг ривожланиши тоғли ёнбағирликларда, лалмикор ерларда олмazorларни барпо этиш учун террасалар қилишни анча осонлаштирган. Лекин бу агротехник ишлар оғир ва кўп харажат талаб этгани учун мавали боғларни бирмунча текис майдонларда ташкил этиш қулайроқ ҳисобланади⁹.

3.4. Барпо этилаётган боғни участкаларга бўлиш

Пастбўйли пайвандтагли серҳосил боғни етарли даражада унумдор ва намни яхши сақлайдиган ерда яратиш керак. Бунда дарахтларни мунтазам равишда суғориб туриш ва кўпроқ ўғитлаш имконияти ҳисобга олиниши даркор. Қумоқ тупроқлар чуқур жойлашган ва механик таркиби кумлоқ тупроқли ва қумоқ тупроқли бўлган қорамтир бўз ерлар, шунингдек яхши дренаж қилинган ҳамда сойликларда жойлашган етарли даражада бақувват бўз ерли ўтлоқлар шундай боғлар учун энг яхши участкалар ҳисобланади. Ер остида жойлашган чучук сувларнинг сатҳи 1,5-2 метрдан, минераллашган сувларнинг сатҳи 3 метрдан юқори бўлмаслиги керак. Сойликлардаги енгил чўкиндидан иборат участкаларда ер ости суви ер юзига 1,0-1,2 метр яқин бўлган жойлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Фақат ана шу сувларда зарарли тузлар бўлмаслиги ва улар ҳаракатдаги, сувлар бўлиши керак. Корбанат миқдори кўп бўлган, ер юзаси қаттиқ ёки юзаси яланғочланиб қолган ерларга, шунингдек совуқдан дарахтлар зарарланадиган пастлик ва ўровли жойларда серҳосил боғ қилиш учун кўчат экиб бўлмайди.

Пастбўй пайвандтагли интенсив боғ учун сал қия (4-5° гача) текис жойлар танланади. 6° дан 10° гача бўлган қияликларда дарахтлар контур усулда экилади. Боғни шамолдан ҳимоя қилиш учун манзарали дарахт кўчатларидан экиб ихота тўсиклари ташкил этиш керак.

Ажратилган майдон 10-12 гектарлик кварталларга ажратилади. Кварталлар узунлиги 500-600 м, кенлиги 200 м туғри тўртбурчак шаклида бўлса яхши бўлади. Бундай узунлик тракторлардан унумли фойдаланишни таъминлайди, шундай кенлик эса шамолдан ҳимоя қилиш чизиклари таъсирида бўлади.



Расм. 13. Экиш учун тайёрланган чукурлик.

Квартал 2 гектардан қилиб катакларга бўлинади. Ҳар бир катакнинг узунлиги суғориш ва ҳосилни олиб чиқишга қуллаб бўлсин учун 100 м қилиб олинади. Катаклар орасида транспорт ва вақтинча суғориш ускуналарининг бир томонлама ҳаракати учун 4-5 м кенгликда йўл қолдирилади. Кварталнинг боши ва охирида қолдирилган айланиш жойларининг кенглиги 8 м дан кам бўлмаслиги керак. Шамолни тўсувчи ихоталар қатори билан боғ дарахтларининг биринчи қатори орасидаги масофа 10-12 м бўлади. Бу ердан кварталлар орасидаги йўл ва асосий суғориш тармоғи ўтади (Расм 13).

Кварталга иложи борича бир пайтда пишиб етиладиган ва кўпи билан икки-уч хил навдаги мевали дарахтлар экиш керак. Бунда уларнинг бир-бирини чанглантиши ҳам ҳисобга олиними лозим. Шундай қилиб, кварталдаги бир хил навли дарахтлар поласаси 70-100 м узунликни (3-10 га) ташкил этади. Бу жанубий районлар шароитида дарахтларнинг яхши чангланиши учун етарлидир. Дарахтларни бундай жойлаштириш навлар бўйича агротехника ишлари ва ҳосилни йиғиб-териб олиш учун қулайдир.

Ерни тайёрлаш. Боғ учун ниҳоллар экишдан олдин участка яхши текисланиши керак. Ерни кучат экишга тайёрлашнинг энг қулай усули 50-60 см чуқурликда плантаж плуги билан ҳайдашдир. Плантаж ППУ-50 плугини Т-100, Т-130 тракторига тиркаб бажарилади. Тупроқ ости қумлоқ ёки шағалли бўлса, плантаж 40-45 см чуқурликда ШШ - 40 плуги билан ҳайдалади.

Плантаж плуги билан ерни ҳайдашдан олдин ерга 50-60 т/га гўнг,

180 кг/ га фосфор, 90 кг/га калий ўғити солинади. Ерни плантаж плуги билан ҳайдаш кўчат экишдан 2-3 ой олдин (ерни суғориб) ўтказилади. Шунда кўчат экилгунча тупроқ яхши ўрнашади.

Интенсив боғ учун икки-уч йиллик беда майдони яхши ўтмишдош ҳисобланади.

3.5. Экиш техникаси


Кўчатларни тўғри экиш учун экиш тахталаридан фойдаланиш мумкин. У 1,5 м узунликда бўлиб, учта

тирқишга эга бўлади. Биринчи тирқиш тахта марказида жойлашиб, кейинги иккитаси тахта четларида, марказдан бир хил масофада жойлашади. Улар орқали ерга назорат қозикчалар қоқилади. Ундан сўнг марказий тирқишдаги қозикча олиб ташланади ва уни ўрнида экиш учун ўра қовланади (Расм 14). Суғориладаган ерларда экиш ўраларининг чуқурлиги 60 см ва эни 75 см гача бўлиши керак. Ўра қовлаш давомида тупроқнинг юза қисми бир томонга, пастки қисми эса иккинчи томонга ташланади. Тупроқда намлик даражаси кам бўлган майдонларда, террасаларсиз экилганда дарахтлар орасидаги масофани узунроқ қилиб олиш керак. Бу ўз навбатида озикланиш майдонининг ортишига олиб келади ва туплар орасидаги ўзаро рақобат даражасини камайтириб, сув билан таъминланишни яхшилайд.

Экиш ўраларини 80x100 см гача кенгайтириш ва тупроқнинг юза қаватидан олинган қисми билан илдиз атрофини ўраш тупларни тез тутиб қолишга ва дастлабки кунлар давомида яхши ривожланишига ёрдам беради.

Кучсиз тупроқли майдонларда экиш ўраларига органик ва минерал ўғитлар берилади. Бунда ҳар бир ўра ҳисобига тупроқ билан аралаштирилган 5-6 кг чиринди, 150 г селитра ва 200 г суперфосфат ишлатилади.

Кўчатларни экишдан олдин илдиз учлари кесилади ва синга, чирган қисмлари олиб ташланади. Экиш учун тайёр бўлган кўчатни тупроқ ва мол гўнгини аралашмасидан иборат бўлган эритмага со-




Расм. 14. Дарахт экилиши

либ қўйилади. Экишда илдиз бўйини ер юзасида 4-5 см баландроқда бўлишига эътибор берилади. Кейинчалик тупрокни чўкиши билан илдиз бўйини ер юзаси билан баробар бўлиб қолади. Кўчат қўйилган ўрани кўмиш баробарида тупрокни оёқлар билан яхшилаб тиғизлаш керак. Бунда илдиз ораларида бўш жойларни ҳосил бўлишини олди олинади. Экиб бўлингандан кейин кўчат мўл сув билан суғорилиши керак. Агар ариқ сувлари бўлмаса ҳар бир кўчат учун камида икки челақдан сув қуйилади. Ундан сўнг кўчат атрофи тупроқ билан конус шаклида ёпилади ва кесиш ишлари бошланади (Расм 14). Кронани шаклланишида иштирок этадиган ёнбош шохлар узунлигининг $\frac{1}{2}$ ёки $\frac{2}{3}$ қисмигача кесилади (Расм 15). Сув танқислиги мавжуд бўлган қурғоқчил ҳудудларда сув буғланишини камайириш учун экилган кўчатлар атрофидаги тупроқларни ўсимлик қолдиқларидан иборат қипиқ ёки гўнг билан беркитиб қўйилади.

4. ЯНГИ БОҒЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

Дарахтларни яхши ўсиб кетиши ва ривожланиши учун боғни 10-12 маротаба, тош-шағал аралаш тупроқли боғларни эса 18-20 мартагача суғориш керак бўлади. Суғориш меъёри 300 дан 500 м³/га гача. Ҳар бир суғоришдан кейин дарах атрофларидаги тупрокни юмшатиш яхши самара беради. Ёш боғларни суғориш сентябр ойининг биринчи ярмидан



Расм. 15. Бир йиллик дарахнинг кесилиши.

кейин тўхтатилади. Дарахтларнинг атрофидаги жойлар бегона ўтлардан тез-тез тозаланиб турилади. Дарахт олдиларини юмшатиш август ойларида тўхтатилади. Кузда тупроқ 25-30 см чопилади. Баҳорда эса 10-12 см чуқурликда тупроқ юзаси юмшатилади. Агар дарах оралари беда ёки бошқа экинлар билан банд қилинмаган бўлса 20-23 см чуқурликдаги кузги шудгор қилинади. Баҳорга чиқиб борона ёки чизел тортилади ва тупрокни у ёки бу экинларни экиш учун тайёрланади. Қатор оралари дарахт шох-шаббалари ўзаро тутшиб кетгунича турли хил қишлоқ хўжалик экинларини экиш учун ишлатилиши мумкин. Бу экинлар мевали дарахтлар учун зарур бўлган органик

ва минерал моддаларнинг бир қисмини ўзлаштиришади ва мавали дарахтларнинг ўсиши ва ривожланишига ўз таъсирини ўтказишади. Шунинг учун дарахтлар агроқўрсатмаларда белгиланган меъёрадаги озуқа моддаларини олишига эришиш керак бўлади. Қатор ораларида экиладиган экинлар - картошка, қизилча, саримсоқ пиёз, пиёз, помидор, капуста, нўхот, полиз экинлари улар учун белгиланган агротехника тадбирлари асосида суғорилиши, органоминерал ўғитлар билан таъминланиши лозим. Мевали дарахтлар қатор оралари донли экинлар, айниқса баланд бўйли маккажўхори, жўхори ёки кунгабоқар кабилар билан банд қилинмаслиги зарур¹¹.

Ёш боғларда ўғитлар ҳар бир дарахтнинг остига алоҳида берилади. Бунда кишда 4-5 кг чиринди ва 300-400 г суперфосфат дарахт танаси атрофига кўмилади. Азотли ўғитлар (250-300 г селитра) эрта баҳорда ёки ёзда (июн) кўшимча озиклантириш тарзида берилади. Ўғитларни эгатлар бўйлаб берилганда кузда фосфорли ўғитлар 40-50 кг/га, калийли ўғитлар 30-40 кг/га ҳисобида, баҳорда эса азотли ўғитлар 60-80 кг/га дан берилиши мумкин.

4.1. Новдаларни шакллантириш

Ҳосилга кирмаган дарахтларда қуриган, касалланган шохлар кесиб ташланади. Бир йиллик новдалар узунлигининг учдан биригача ёки ярмигача кесиб олинади. Кейинги тартибдаги шохларни шакллантириш учун ҳар бир шох ўзидан пастда жойлашган аввалги шохдан калтароқ қилиб кесилади (Расм 15). Кесиш учун ўткир пичоқ ёки ток қайчилардан фойдаланиш зарур. Диаметри 3 см дан қалин бўлган шохлар арра билан арраланиши керак. Кесилган жойларнинг четлари ўткир пичоқ билан текисланади ва боғ замазкаси билан суртилади.

Ёш дарахтларни тезроқ ҳосилга кириши ва мевали ёнбош шохларни ҳосил қилиши учун биринчи 3-4 йил давомида пинцировка ўтказилиши, яъни пояларнинг учи учинчи баргдан тепасида кесиб турилиши керак бўлади. Бу жараён апрел-июн ойларида ўтказилиши мумкин.

5. МЕВАГА КИРГАН БОҒЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ

Суғориладиган типик бўз тупроқлардаги боғларнинг қатор ораларида парасидерал тизмини жорий этиш мумкин. Сидератларни экиш даврий равишда ҳар 2-3 йил давомида амалга оширилади. Қуйидаги сидератлар (оралик, экинлар) яхши натижа беради: Никольсон нўхати (экиш нормаси 100 кг/га). Бу нўхат совуққа чидамли бўлиб, соядан унча кўркмайди; Восток №55 нўхати (100 -120 кг/га); ўт аралашмаси -Вос-



Расм. 16. Олма богида қатор ораларини ишлатиш.

ерга ҳайдаб юборилади. Сидератлар ҳайдалмасдан олдин кўк пояларга дискали мола босилади ёки қайта мосланган КИР-1,5 косилкаси билан ўриб, майдалаб чиқилади.

Ер ости сувлари яқин бўлган ёки сув сероб жойларда 2-3 йил беда экиш мумкин. Беда экишдан олдин ерни ҳайдаш олдидан гектарига 180 кг соф фосфор ва 90 кг калий солиш керак. 2-3 йилга мўлжаллаб беда уруғини сепиш шўрхок ерларда айниқса яхши натижа беради. Бу экиннинг ғоят чуқур илдиз отиши ер ости сувлари сатҳини пасайтиради, тупроқ захини қочиради, ер устидаги калин пояси эса тупроқдаги намликнинг буғланишига ва ер ости сувларининг кўтарилишига тўсқинлик қилади. Уни дарахтлар ҳосилдорлигини камайтириб юбормаслиги учун кўшимча суғориш керак, экиш олдидан эса ҳар гектар ерга 90 килограмдан фосфор ва К калий уғити солиш лозим. Дарахт шох-шаббалари ҳали бирлашиб кетмаган ёки баргларнинг қатор ораларига чопик қилинадиган ва тупроққа яхши соя берадиган (ловия, сабзи, қанд лавлаги, ғўза) экинлар экиш мумкин (Расм 16). Бу ҳам минераллашган ер ости сувларининг кўтарилишини камайтиради.

Дарахтлар суст ўсаётган бўлса (30-40 см дан кам) ўғит 1 м² жойга 40-60 г ҳисобида бевосита уларнинг танаси яқинига солиш керак. Дарахтлар катталашган сайин уларнинг танаси атрофининг доираси кенгайтириб борилади.

Тоғолди ва тоғли минтақаларда қатор ораларидан фойдаланишга катта эътибор қаратиш лозим. Улардан ногўғри фойдаланиш тупроқ эрозиясига олиб келиши мумкин. Қияликнинг даражасига кўра қатор ораларидан турлича фойдаланилади. Масалан қиялик 6-8° гача бўлганида

ток №55 нўхати + арпа ёки сули (80+40 кг/га); кузги қора буғдой (50 кг/га) + кузги хашаки нўхат (30+40 кг/га); кузги рапс (20 кг/га); шабдар (20 кг/га). Улар кузда (сентябрь-октябрь) мева ҳосили йиғиб олингандан кейин экилади ва баҳорда ёппасига гуллаган пайтда (апрел ойининг охири-май ойининг бойшарида)

қатор ораларини чимли ўсимликлар билан қопланишига катта эътибор қаратилади.

Анча тик қияли ёнбағирликларда қатор оралари 3-4 йиллар давомида бошоқли ўтлар билан қопланиб туришига ҳаракат қилинади. Сўнгра улар қайтадан ҳайдалади ва бўш қолган ерларда янгидан экиш ишлари олиб борилади. Дарахтлар ва қатор ораларидаги ўт ўсимликлар ўриб олиниши мумкин. Биринчи ўрим чорва молларига берилса, кейингилари майдаланиб, қипиқ сифатида қолдирилади.

Террасали ёнбағирликларда ўт ўсимликларни яшил ўғит учун экиш яхши натижа беради. Бунда асосан нўхотни жавдар ёки сули билан, ёввойи нўхот ва сули аралашмаси яхши натижа беради.

5.1 Ўғитлар

Гўнг 2-3 йилда бир марта 20-40 т/га ҳисобида берилади, минерал ўғитлар эса ҳар йили – азот 120 кг/га, фосфор 60 кг/га ва калий 30 кг/га. Агар гўнг берилмагани ҳолатларида минерал ўғитларнинг миқдори 30-40% оширилади.

Уч йилда бир маротаба ерни ағдармасдан 40-45 см чуқурликда ҳайдалади. Айни пайтда фосфор ва калий ўғитлари берилади (Ф-180, К-90 кг/га). Фосфорли, калийли ўғитлар ва гўнг кузги шудгор олдидан берилади, азотли ўғитлар эса 120 кг/га ҳисобида гуллашдан олдин 2-3 ҳафта олдин 20-25 см чуқурликда берилади.

Тош-шағали тупроқларда минерал ўғитларнинг меъёри 50 % га ортирилади, азот йил давомида бир неча бор – баҳорда, июнда ва июлда берилади.

Йиллик ёғин миқдори 800-1000 мм ташкил этадиган тоғли минтақалардаги боғларда (денгиз сатҳидан 800-1200 м) кузда (октябр-ноябр) умумий азотнинг 30–40% аммоний сульфат кўринишида аммофос билан, 30-40 кг/га калий и 60-70 кг/га фосфор органик ўғитлар билан биргаликда тупроққа берилади. Азотнинг қолган 60-70% баҳорда (март-апрел) 10-12 см чуқурликда берилади. Органо-минерал ўғитларнинг бундай чуқурликларда ва муддатларда берилиши ёғинлар таъсири остида яхши тақсимланишига олиб келади.

5.2. Суғориш

Ҳосилга кирган боғларда ноябрдан то март ойигача икки-уч марта қишки суғориш амалга оширилади. Суғориш меъёри 1500-2000 м³/га ни ташкил этиши керак. Бунинг учун қатор ораларида чуқурлиги 22-25 см, оралиқ масофаси 70-80 см бўлган эгатлар олинади. Сувни секин оқимлар билан қўйилиб, 24-36 соат давомда олиб боради. Бу муддат

оралиғида тупроқ яхши намланишга улгиради.

Ёзда суғоришлар сони дарахтларнинг ёши, грунт сувларининг жойлашиши, қатор ораларига экинлган экинларнинг характери ва бошқа омилларга кўра суғориладиган бўз тупроқларда 4-6 маротаба, тошшағалли тупроқларда эса 10-12 та оралиғида ўзгариб туради. Бир марта суғоришнинг меъёри қатор оралиғининг холатига кўра бўз тупроқларда 800-1000 м³/га, тошшағалли жойларда 300-500 м³/га ни ташкил этади. Қиялиги 20° дан ориқ бўлган ёнбағирликларда тупроққа ишлов бериш фақат дарахт танаси атрофларида ёки полосалар бўйлаб тупроқ юзасини ёнбағирлик томон 25-30 см кўтариш орқали амалга оширилади. Тупроқни юмшатиш ва культивация фақат ёмғирлардан кейин бажарилади. Қатор ораларини кўп йиллик дуккакли ва бошоқли ўсимликлар билан тўлдириш тавсия этилади. Шунингдек сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг эрта ва ўрта пишар навлари ҳам ишлатилиши мумкин².

Ётиқ қияликларда жойлашган лалмикор ерларда қатор оралиқларига ўт экинларни қатор ташлаб экиш орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бунда полиз экинлари ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан фойдаланиш мумкин. Бирмунча тик қияли ёнбағирликларда эса қатор ораларини эрозиядан сақлаш учун асосан беда ва эспарцет экиш, уларни тез-тез ҳайдаб ташлаш, кейин яна экиш тавсия этилади.

Кузги шудгорнинг энг маъқул муддатлари октябр-ноябр ойлари, яъни дарахтлардаги физиологик жараёнлар анча пасайган вақт ҳисобланади. Эртаги ҳайдаш тармоқланган илдиз тизимини жароҳатланишига олиб келади ва бу эса заҳира озик моддаларни етарли даражада тўпланишига тўсқинлик қилади. Тупроқни ҳайдаш чуқурлигини илдиз тизимининг ер остида жойлашиш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда белгиланади: суғориладаган типик бўз тупроқларда қатор оралари 25-30 см, тошшағалли тупроқларда эса 10-15 см чуқурликда амалга оширилиб, ер юзасига яқин жойлашган илдиз қисмларига камроқ зарар етказишга ҳаракат қилинади. Қатор ораларига баҳорги-ёзги ишлов бериш тупроқни 10-12 см чуқурликда юмшатишга қаратилади ва бу эса юза қаватдаги маъқул сув-ҳаво режимини ташкил топишига имкон яратади ва шунингдек бегона ўтларга қарши кураш воситаси ҳам ҳисобланади. Баҳорги юмшатиш тупроқни етилиш даражасига кўра 12-14 см чуқурликгача олиб борилса, ёзда эса ҳар бир суғоришдан сўнг қўл меҳнати ёки механизация ёрдамида амалга ошириш талаб этилади.

Мевага кирган олмазорларда 2-3 йилда бир маротаба тупроқни 40-

45 см ағдармасдан хайдаб, бир пайтда фосфорли-калийли ўғитларни беришни амалга ошириш керак (Ф-180, К-90 кг/га). Бундай хайдаш муддатлари октябр-ноябр ойларида ёки эрта баҳорда феврал охирлари, мартнинг бошларида бўлиши мумкин.

Баҳор ойларида бегона ўтларга қарши курашиш мақсадида дарахт танаси атрофларини симазин (4-6 кг/га), прометрон 4-6 кг, карагард 5-7 кг/га препаратлари билан ишлов бериледи. Лалмикор майдонлардаги боғларда кузда ерни 35-40 см чуқурликда хайдаш ва баҳорда эса ёмғирлардан сўнг 2-3 марта енгил юмшатиш лозим. Ёмғирларни тўхташи билан ерга куз ойлариғача ишлов берилмайди. Ёзнинг иссиқ кунларида қизиб кетмаслиги ва қишда ҳаво ҳароратининг кескин ўзгаришларидан зарарланмаслиги учун дарахт таналари баҳорда ва кузда окланади.

5.3. Буталаш

Дарахт шохларини мевага кирганидан кейинги буталаш ҳосил берувчи новдалар сонини кўпайтиришга қаратилган бўлиши керак. Секин ўсувчи ва кам ҳосил дарахтларда йиллик новдалар кесиб қисқартирилмайди. Уларнинг сони сийраклаштирилади. Аксинча серҳосил дарахтларда йиллик новдалар ярмигача ёки учдан бири кесиб қисқартирилади. Тўлиқ мева ҳосил бўлиши даврида қуриган, чирмашиб, чигаллашиб кетган, касалланган ёки кам ҳосилли шохлар ҳисобига шох-шаббани сийраклаштириш катта аҳамиятга эга.

Агар бир йиллик новдалар кучсиз бўлса (15-20 см), 2-3 йиллик скелет шохлар қисқартирилади. Йиллик новдалар умуман ҳосил бўлмаса 4-6 ёшли ёғочлашган шохларга ишлов бериледи. Олма дарахтларининг мевалашдаги даврийликни камайтириш учун амалиётда муфассал буталаш кенг қўлланилади. Унинг моҳияти шундан иборатки дарахтнинг мевали ва ўсаётган шохлари узунлигининг^{1/3} или ^{1/2} қисмигача олинади (Расм 17). Бу жараён ҳар йили амалга оширилмайди, дарахтларда кўплаб сондаги генератив куртакларни ҳосил бўлиши



Расм. 17. Муфассал буталаш .

билан боғлиқ бўлади. Агар ўртача ёки кам ҳосил бўлиши кутилса муфассал буталашни ўтказмаган маъқул. Бундай буталаш орқали ёшартирилган дарахтлар алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, қўшимча ўғитлаш ва суғоришни талаб этади.

Мевали дарахтларни буталаш қишда ва ёзда амалга оширилади.

Ёзги (июн) буталаш давомида фақат янги новдалар кесилади ёки қисқартирилади. Бу қўшимча мевали новдаларни ҳосил бўлишига, шох-шаббалар орасида ёруғлик ва ҳаво айланиши режимини яхшилашига олиб келади. Қишки буталаш ишлари хазонрезгилик давридан то вегетация бошлангунича олиб борилади. Кўпроқ баҳорга яқин буталаш тавсия этилади.

Буталаш жараёнида тўнкалар қолдириш маъқул кўрилмади. 8 см ва ундан ортиқ диаметрдаги шохлар зарарлантирилганда уларни четлари ўткир пичоқ билан текисланади ва боғ замаскаси билан суртиб қўйилади.

Боғ замаскасининг рецепти: 1 қисм парафин ёки мум, 1 қисм канифол и 3 қисм нигрол ёки бошқа минерал мой.

6. МЕВАЛАРНИ ЙИҒИБ ОЛИШ

Меваларни йиғиб олиш давомида тўкилган олмаларни алоҳида териб олинади. Йиғишни дарахтнинг пастки ташқи қисмидан бошлаб ички юқори томонига қараб олиб борилади. Меваларни мева банди билан бирга узиб олинади. Мевани ушлаганда кўрсаткич бармоқ мева бандини шохга туташган жойига тиралиб туришига эътибор бериш керак. Мевани узиб олишда қўл панжасини бураб, кўрсаткич бармоқ билан мева банди бириккан жойга ботириб ва айна пайтда мевани тепага кўтариб олмани шохдан узиб олинади. Йиғиш пайтида шохларни силкитиш мумкин эмас.

Олма етиштириладиган фермер хўжаликларида баландлиги 2.5-4 м ли уч оёқли нарвонлар бўлиши керак.

7. БОҒ ВА КЎЧАТЗОРЛАРДА ЗАРАРКУНАНДА ВА КАСАЛЛИКЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ

Касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш агротехникага тўла амал қилиш, агросанитария қоидаларига риоя этиш ва кимёвий тадбирларни ўтказиш орқали олиб борилади. Агротехника тадбирлари дарахт ва кўчатларни яхши ўсиши ва ривожланишининг мастаҳкам гарови ҳисобланади.

7.1. Агросанитария тадбирлари

Агросанитария тадбирлари зараркунандалар ва касалликларни келтириб чиқарувчи ҳашоротлар сонини камайишига ёрдам беради. Агросанитария тадбирларини ўтказиш давомида куйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

1. Қиш давомида қуриган ва зарарланган, касалланган дарахтларни илдизи билан қовлаб олиш керак. Қолган дарахтлардаги барча зарарланган ва кучсизланган шохларни кесиб олиш лозим. Кесилган жойлар боғ замаскаси ёки суюлтирилган боғ бўёғи билан суртиб қўйилиши керак.



Рис. 18. Накладка ловчих поясов.

2. Баҳорда тўнкалар мис купоросининг 3% эритмаси билан тозаланиб, кейин боғ бўёғи билан ишлов берилиши лозим.

3. Мевага кирган боғларда дарахтларнинг асоси, илдиз бўйни, асосий танаси ва шохларидаги қалинлашган пўстлоқлари тозаланади. Тозалашда тўпланган барча қолдиқлар, ўтган йилда мевани териш ва уни сақлашдан қолган чиқиндилар ёкиб ташланади. Терилган меваларни боғни ўзида қуритиш тақиқланади.

4. Дарахт танасининг асоси оҳақ эритмаси тупроқ, мис ва темир купороси қўшилгани ҳолда феврал-март ойларида ёки хазонрезгилик даврида оқланади.

5. Боғда ишлатиладиган барча асбоб ва жихозлар - қайчилар, аралар, пичоқлар ишлатиш даври мобайнида даврий равишда зарарсизлантириб турилади. Бунинг учун уларни бир дақиқа давомида формалин ёки керосиннинг 5% эритмасида ушлаб туриш кифоя қилади.

6. Кўчатзорда пайвандлаш ва янги боғларни барпо этиш давомида касаллик ва зараркундалар билан зарарланмаган кўчатлардан фойдаланиш зарур.

7.2. Кимёвий курашиш усуллари

Боғлар мева беришгача бўлган даврда. Олма дарахтларининг ёш ниҳолларига кўпроқ қуйидаги зараркундалар зиён етказади: бинафша ранг ва Калифорния қалқондори, олма барги бити, олма қонли бити, ғилофли куя, олма қандаласи, гирдак куя, мева каналари ва бошқалар.

Қалқондорларга қарши мева дарахтлари №30 ва ДНОК препаратлар эритмаси билан пуркалади. Қонли битга қарши дарахтнинг илдиз бўриғи атрофи баҳорда 0,5% метафос ёки трихлорметофос ёки фозалон эритмаси ёки 3% трихлороль - 5 эмульсияси билан пуркалади.

Баҳорда куртак бўта бошлаганида зараркундалар комплексига қарши, уларнинг кўпроқ тарқалган жойлари аниқлангандан сўнг олеофос (№ 30 препарати 2,5% + метафос ёки фозалон 0,3%) ёки трихлороль - 5 билан ишлов берилади. Ёзги даврда кузатишлар натижаси асосида каналарга қарши кельтан ёки коллоидли олтингугурт қўлланилади. Гирдак куяга қарши антио, цимбуш препаратлари ишлатилса натижаси самарали бўлади.

Ҳосилга кирган олма боғларига қуйидаги зараркундалар энг кўп зиён етказади бинафша ранг ва Калифорния қалқондорлари, ғилофли ва гирдак куялар, олма қандалачаси, мева каналари; касалликлардан эса калмараз (парша) ва уншудринг касаллиги. Кўпинча мева дарахтларига бир неча зараркундалар зиён етказади. Шунинг учун уларга қарши комплекс чоралар кўрилади.

Боғларни зараркундалардан химоя қилиш чоралари тузими даврий тарзда амалга оширилади. Бу муддатлар эрта баҳор, баҳор ва ёз фасллари дир. Эрта баҳорда (куртаклар бўрта бошлаганда) дарахтларга ДНОК ёки активлаштирилган эмульсия (ДНОК + №30 препарати) пуркалади. Дарахтларга куртаклар бўртмасдан ҳаво ҳарорати 6-8°C паст бўлмаган пайтда ишлов берилади. Бунда дарахтнинг пуркалаётган суюклик билан тўла хўлланишини таъминлаш керак.

Куртаклар ёппасига бўрта бошлаганда то гуллагунча дарахтлар қалқондорлар, гирдак куя, нок шираси, мева каналари ва бошқа зараркундаларга қарши олеофос (фозалон ёки метафос + №30 препарати) ёки трихлороль - 5 эмульсияси билан пуркалади.

Гирдак куяси тарқалган боғларни трихлороль ёки пиретроидлардан бири билан дорилаш керак. Зарур бўлса бу ишловни дориларга мис

хлорокиси ёки фундазол кўшиб, калмараз касаллигига қарши бирга ўтказиш мумкин.

Олмаларни мевахур қуртидан ўз вақтида ҳимоя қилиш мақсадида зараркунанда капалагининг учиш муддати аниқлаб турилади. Олма дарахтининг ривож даври кузатиб борилиб, феромонли тузоқлар илиб кўйилади. Уларнинг ёрдамида олма мевахўрларининг учиш динамикаси аниқланади ва шунингдек зараркунанданинг ҳимоя чораларини амалга оширишни тақоза этадиган миқдори аниқланади.

Тузоқлар дастлаб олма гуллаши арафасида кўйилади. Шунда капалакларнинг баҳорги авлодининг учишининг бошланиши ва оммавий тус олишини тез аниқлаб олиш мумкин бўлади. Тузоқлар 3-5 гектарга биттадан илинади. Уларнинг орасидаги масофа тахминан 50 м бўлиши керак. Тузоқлар ҳар беш кунда текшириб турилади. Тутилган капалаклар санаб чиқилади ва дафтарга қайд қилиниб олиб ташланади. Бир ой ўтгач, тузоқ янгиланади. 5 кун ичида ҳар бир тузоқ билан ўртача 5-10 тадан капалак тутилса, ўша боғда ишловлар бошланади.

Биринчи марта боғга дори дарахтлар гуллаши тамом бўлиши билан, иккинчи марта - гуллаш тамом бўлгандан кейин орадан 15 кун ўтгач, учинчи - 45 кун ўтгач пуркалади. Мевалари эрта пишиб етилдиган дарахтлар фақат икки марта дориланади. Гирдак куялар кўп тушса навбати билан метафос, антио ёки 0,1 % цимбуш пуркалади.

Кимёвий ишлов бериш мумкин бўлмаган жойларда капалакларнинг биринчи авлодининг оммавий учиши даврида битта дарахтнинг ҳар бир генерациясига қарши курашда 3 минг дона ҳисоблаб трихogramмадан уч қайта фойдаланилади.

Кимёвий моддаларни қўллаб боғларни ҳимоя қилиш ишларида фақат 18 ёшдан кичик бўлмаган ёшдаги кишиларгина қатнашиши мумкин.

Қуйидаги ҳолларда рухсат этилмайди:

- ишлов берилган боғлар ва уларга яқин жойларда 30 кун давомида мол ва парранда боқишга;
- ишлов берилган майдонда уч кун давомида қўл билан бажарилдиган ишларни қилишга;
- ишлов берилиши керак бўлган дарахтзорларга асалари инларини қўйишга;

Дорилаш ишларини куннинг иссиқ пайтида ва 3 м/с тезликда шамол эсиб турганда амалга оширилади. Дарахтларга, меваларга захарли дорилар билан ишлов бериш ҳосил йиғиб - териб олишдан 30 кун ол-

дин тўхтатилиши керак.

Қайта пуркашни олмалар гуллаб бўлганидан 20 кундан кейин бу препаратлардан бирортаси билан амалган оширилади. Замбуруғ касалликларига қарши курашиш учун қишда ёки эрта баҳорда вегетация бошлангунча 3% ли Бордосс суюқлиги (БС) 1% лиси билан ёзда пуркалади.

Бордосс суюқлиги қуйидагича тайёрланади.

100 л сувга 1 кг мис купораси ва яхши тайёрланган донатор оҳак солинади.

Эритма суюқлик тайёрлаш учун тахминан 100 литрли бочка, ҳар бири 50 литрли икки ёни тикка тахтадан тайёрланган бочка ва ёғочли аралаштиргич тайёрланади. Катта бочкани икки томонига ёни тикка бочкалар қўйилади. Уларни биттасига 50 литр сув қуйиб, унда мис купороси эритилдаи. Иккинчи ёни текис бочкада 1 кг оҳак солиниб сув қуйилади. У совигандан кейин хажми 50 литрга етгунча сув қуйилади. Ҳар иккала бочкадагилар обдон аралаштирилади. Ҳар иккаласини ўзаро аралаштириш қуйидагича амалган оширилади. Ҳар бир текис бочкадан бир пақирдан олиб бир вақтда катта 100 литрли бочкага қуйилади. Қуйилаётган суюқлик бир бири билан аралашishi лозим. Шунинг учун бу ишни икки киши бажаради. Бу иш ёни текис бочкалар бўшагунча амалган оширилади. Ҳосил бўлган оҳакли сут қоп орқали сузилади. Сузилганда донатор сут нарса бўлмаслиги керак акс ҳолда пуркагич асбобга тикилиб қолади. Бордосс суюқлиги дарахт танасига яхши ёпишиши учун 100 л эритмага 150 г шакар қўшиш лозим.

Тўғри тайёрланган Бордосс суюқлиги ҳаворанг кўк рангда бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Агротехника плодовых пород на приусадебных участках. Ташкент, 1982.
2. Байкер Х. Плодовые культуры. Москва, 1986.
3. Внесение минеральных удобрений под молодые сады на террасированных горных склонах. Ташкент, 1984, (информационный листок).
4. Вопросы интенсивной технологии возделывания плодовых пород и винограда. Ташкент, 1991.
5. Лайн А.Н., Жукова А.Л. Лучшие сорта и особенности агротехники яблони. Ташкент, 1973.
6. Мирзаев М.М. Пашенко К.В. Борьба с вредителями садов в предгорной зоне Узбекистана. Ташкент, 1971.
7. Мирзаев М.М., Собиров М.К. Система содержания междуядья молодых и плодоносящих садов. Ташкент, 1969.
8. Освоение горных склонов под промышленные сады. Москва, 1981.
9. Прогрессивный способ полива садов на склоновых землях. Ташкент, 1985, (информационный листок).
10. Размножение семечковых плодовых культур. Ташкент, 1988, (экспресс информация).
11. Рекомендации по выращиванию посадочного материала плодовых культур. Ташкент, 1978.
12. Рекомендации по интенсивной технологии возделывания семечковых пород в Узбекистане. Ташкент, 1989.
13. Сады и виноградники на склоновых землях. Ташкент, 1986.
14. Туласов У.У. Подготовка почвы под плодовые насаждения на горных склонах в Ташкентской области. Ташкент, 1971.
15. Рыбаков А.А., Михайлов Р.Н., Якушевич М.В. Освоение гор и предгорий богарными садами. Ташкент, 1954.
16. Шредер Е.А. Редкие местные сорта яблони. Ташкент, 1982, (информационный листок).
17. Боғларни суғоришнинг самарали усуллари. Тошкент, 2002.
18. Джавакянц Ю.М. Ўзбекистоннинг боғ ва токзорларида тупрокка ишлов бериш бўйича тавсиялар. Тошкент, 2006.
19. Мевали дарахтлардан юқори ҳосил етиштириш бўйича тавсиянома. Тошкент, 2008.
20. Мевали экинларнинг янги ва истикболли маҳаллий навлари. Тошкент, 2008.
21. Мирзаев М.М., Джавакянц Ю.М. Мевали дарахтлардан юқори ҳосил етиштириш бўйича тавсиянома. Тошкент, 2006.
22. Ўзбекистонда уруғли мева дарахтларини жадаллашган технология усулида парвариш қилиш бўйича тавсиялар. Тошкент, 1990. 43 б.
23. Ўзбекистон боғларида тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича тавсиялар. Тошкент, 2002.